ЧОРВОҚ ЗОНАСИДА ТАРҚАЛГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ

Шаҳноза Ғайратовна Шомуродова
Чирчиқ давлат педагогика институти
География кафедраси г.ф.ф.д (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада Чорвоқ эркин туристик зонасида тарқалган доривор ўсимликлар ҳақида умумий тушунча берилган. Шунингдек, доривор ўсимликларнинг тарқалиш хусусиятлари ва уларнинг табиий географик ўрни ҳақида фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: доривор ўсимлик, баландлик минтақа, дарё ва сой воҳалари, тоғ ёнбағри, тўқай, текислик.

MEDICINAL LIVESTOCK PLANTS AND THEIR NATURAL GEOGRAPHICAL DISTRIBUTION IN THE ZONE OF CHARVAK

Shahnoza Gayratovna Shomurodova
Chirchik State Pedagogical Institute
Department of Geography (PhD)

ABSTRACT

The article gives an overview of medicinal plants distributed in the Charvak free tourist zone. Opinions on the distribution characteristics of medicinal plants and their natural geographical location are also described.

Keywords: medicinal plant, altitude zone, river and river oases, mountain slopes, groves, plains.

КИРИШ

Шифобахшлик хусусиятига эга бўлган ўсимликлар доривор ўсимликлар дейилади. Бугунги кунда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос бўлган шифобахшлик хусусиятига эга бўлган ўсимлик дунёсидан табобатда кенг фойдаланиб келинади.

Халқ табобатида турли хасталикларга қарши табиат инъом этган доривор ўсимликлардан фойдаланиш бизга қадимдан маълум. Зеро, ўсимлик дунёсидан табобатда инсонлар томонидан қўллаш кўп асрлар давомида авлоддан-авлодга

ўтиб, такомиллашиб келган ва улар ҳозир олимлар томонидан амалиётда асослаб берилди.

Ҳозирда ёввойи ҳолда учрайдиган доривор ўсимликларнинг кўплари маданийлаштирилиб, алоҳида далаларда, плантацияларда экиб, парвариш қилиб кўпайтирилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистоннинг текислик қисмларида кўпроқ бир йиллик ўт ўсимликлари ўсса, тоғ ёнбағирларида эса дориворлик хусусиятига эга бўлган гиёҳлар, бута, яримбута ва дарахтлар ўсади. Биргина, Чорвоқ эркин туристик зонасида ёввойи ўсимликларнинг мингдан ортиқ турини учратиш мумкин. Айниқса, зонанинг ер юзаси мураккаб тузилишга эга бўлиб, иқлимий шароит хилма-хил бўлганлиги сабабли, ўсимликларнинг тарқалишида географик қонуниятлар муҳим рол ўйнайди.

Чорвоқ эркин туристик зонасининг ўсимликлари ҳам ер юзасининг хусусияти, иқлим (ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдори) ва тупроқларига боғлиқ ҳолда тоғларнинг этагидан сувайирғичлар томон ўзгариб боради. Зона ҳудудининг тўртдан уч қисми тоғлардан иборат бўлиб, тоғларнинг баландлиги денгиз сатҳидан 600 метрдан 3000 метргача, айрим чўққилари эса 4000 метр баландликкача боради. Бундай баландликдаги тоғларнинг ўрмонларида ўсимликларнинг ҳар хил турларини учратиш мумкин.

Чорвоқ эркин туристик зонаси ва бу ердаги Ғарбий Тяншань тоғлари ўзининг хушманзара табиати ва доривор ўсимлик дунёсининг ўзига хослиги билан бошқа ҳудудлардан фарқ қилади.

Ғарбий Тяншань тоғ ва тоғ олди ҳудудлари зонанинг энг манзарали гўшаларидан ҳисобланади. Бу ўрмонзорлар Бурчмулла тоғ-ўрмон хўжалиги ва Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи таркибига киради. Миллий боғнинг асосини Чотқол биосфера қўриқхонаси ташкил қилади. Бу ҳудудларда Чорвоқ эркин туристик зонаси флорасининг қарийб ярми ўсади. Булар асосан дори-дармон гиёҳларидир. Ушбу ўрмонлар ўз таркибига кўра ноёб ҳисобланади.

Ўрмонзорлар атроф-муҳит иқлимини яхшилаш билан бирга биосферани сақлашда муҳим рол ўйнайди. Уларни соғломлаштириш, атмосферани кислород билан бойитиш ва фитоцидлар ажратишдаги ўрни ҳам ўзига хосдир.

Бу ҳудуднинг табиий ўрмонзорларида 40 дан зиёд мевали, манзарали ва бошқа дарахтзорлар, шу жумладан, шифобахш дўлана, бодом, олма, нок, ёнғоқ, ўрик, тоғ олчасини учратиш мумкин. Мевали ўсимликлардан ташқари бундай шароитда ўсувчи ўсимликлардан кийик ўти, дастарбош, бўймодарон, қирқбўғим,

эрмон, сариқ андиз, дағал далачой, бурган, тешикчали далачой, қонтепар, жамбил, маврак, тоғ ялпизи, Писком тоғ пиёзи каби кўплаб доривор гиёҳлар ҳам кенг тарқалган.

Зона ҳудудида 1800 тага яқин ўсимликларнинг тури (асалга бой ғалласимон, пиёзилдизлилар) бўлиб, улардан 82 хили (Ўрта Осиё ноки, Писком тоғ пиёзи, лолалар, Аболин астрагали, Бошқизилсой ёронгули, Минквиц тезиуми) Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган [3].

НАТИЖАЛАР

Чорвоқ эркин туристик зонаси шимоли-шарқдан жануби-ғарбга қараб пасайиб боради. Зона орографик жиҳатидан текислик ва тоғли ҳудуд бўлганлиги сабабли, доривор ўсимликлар турлича тарқалган бўлиб, 200 дан ортиқ доривор ўсимликлар ва аҳоли яшайдиган жойларда бир қатор маданийлаштирилган ўсимликларни учратиш мумкин. Қуйида баъзи бир доривор ўсимликларнинг табиий географик ўрни билан танишамиз.

Дастарбош. *Оила:* қоқиўтдошлар. *Гуллаш даври*: июнь-сентябрь. *Ҳосил бериш даври*: август-сентябрь (6-расмга қаранг).

Бўйи 60-75 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Поялари туклар билан қопланган бўлиб, тўпгули мураккаб ва қалқонсимон. Саватчалари 4-10 мм узунликда. Ўсимликнинг уруғчалари қорамтир 2 мм узунликда бўлиб, Қоржантоғ, Угом, Писком ва Чотқол каби тоғ тизмаларининг арчазор, ўрмонзор ва ўтлоқларида кўплаб ўсади. Шунингдек, дастарбош дарё ва сой воҳалари, тоғ ёнбағирлари, адирлардан тоғларнинг юқори қисмигача бўлган ҳудудларда ўсади [1].

Бўймодарон. *Оила:* қоқиўтдошлар. *Гуллаш даври*: июнь-август. *Ҳосил бериш даври*: июль-сентябрь (2-расмга қаранг).

Бўймодарон ўзига хос ҳиди бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 60-70 см гача боради. Деярли шохланмайдиган ингичка илдизлари ва ер ости новдалари чиқарадиган илдиз пояси бор. Барглари аксари наштарсимон ва тукли, пастки барглари бандли, поясининг юқоридагилари бир мунча майда, деярли бандсиз. Барглари уч карра патсимон қирқилган, бўлакчалари қалами. Тўпгулли қалқонсимон. Саватчалари 3-5 мм узунликда ва диаметри 5-6 мм. Саватчанинг четидаги гуллари оқ ёки оч пушти ранг, марказидаги гуллари сариқ рангда.

Бўймодарон асосан, Угом, Чимён, Писком, Чотқол тоғ тизмалари ва Белдерсой ёнбағирларида, ўтлоқларда, буталар орасида, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, дарё ва сой воҳалари, тоғ ёнбағирларида ўсади. Шунингдек, адирлардан тоғларнинг юқори қисмигача бўлган ҳудудларда кенг тарқалган.

Эрмон. *Оила:* қоқиўтдошлар. *Гуллаш даври*: май ойи (1-расмга қаранг). Бўйи 60-100 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, ўзига хос кучли ҳиди бор. Илдизпояси калта, шохланадиган ўқилдиз чиқаради. Мевалари учи ўткирлашиб келган қўнғир рангли чўзинчоқ уруғли бўлиб, июль-сентябрда етилади. Барглари икки-уч карра патсимон бўлинган ва тўпгули рўваксимон. Савтчалари юмалоқ, 40-90 та гулли, эни 2-4 мм. Гуллари трубкасимон [3].

Чорвоқ эркин туристик зонасининг барча қисмларида яйловлар, ўтлоқлар, тўқайлар, тоғ ёнбағирларида, ёнғоқзор ва арчазорларнинг чеккаларида, ариқ ва сойларнинг бўйида ўсади. Шунингдек, дарё ва сой воҳалари, тоғ ёнбағирлари, текисликдан тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган жойларда кенг тарқалган.

Қирқбўғим. *Оила:* қирқбўғимдошлар. *Гуллаш даври*: март-май (4-расмга қаранг).

Бўйи 10-50 см га етадиган кўп йиллик ўт, илдизпояси узун, ербағирлаб ўсади. Поялари ғовак ва споралари думалоқ шаклда бўлиб, апрель-май ойларида етилади. Баҳорги поялари (март-май) қўнғир, шохланмаган, учида спорали бошоқчаси жойлашган. Ёзги поялари мевасиз, ёрқин яшил, шохчалари ҳалқа шаклида ўрнашган. Илдизпояси узун, қўнғир-қора тусда бўлиб, ингичка илдизлар чиқаради ва туганаклар ҳосил қилади. Поялари кўп шохланмайди, кулранг пуштироқ тусда бўлади [3].

Чорвоқ зонасининг сернам ўтлоқлари, буталар орасида, сой, ариқ ва дарё бўйларида, тоғларнинг ёнбағирларидан бошлаб ўрта қисмигача бўлган жойларда ўсади. Дарё ва сой бўйлари, текисликдан тоғнинг ўрта қисмларигача кенг тарқалган.

Тешикчали далачой. *Оила:* далачойдошлар. Бўйи 60 см гача етадиган кўп йиллик ўт. Барглари чўзиқ 1-2 см узунликда, эни 2-10 мм (3-расмга қаранг). Тожбарглари 10-20 мм, нуқтали безчалари бор. Чангчилари гулқўрғондан калта. Меваси кўсакча, 5-10 мм узунликда. Сариқ чой ўтининг дала чой, чой чўп, чой ўт, сариқ бош деган номлари ҳам бор. Поялари тик ўсадиган, икки қиррали бўлиб, гуллари тилларанг ва сариқ рангда. Тешикчали далачой май-август ойларида гуллайди, июндан-сентябрь ойигача мева тугади. Қоржантоғ, Писком, Чотқол, Угом, Оқтош, Белдерсой, Оқсоқотасой, Оркутсой атрофларидаги арча ўрмонларида ўсади.

Дағал дала чой. *Оила:* далачойдошлар. *Гуллаш даври*: май-август. *Ҳосил бериш даври*: июнь-август (7-расмга қаранг).

Дағал дала чой тоғ ёнбағирлари ва адирлардан тоғларнинг ўрта қисмигача кенг тарқалган бўлиб, кўп йиллик ўт ҳисобланади. Бўйи 20-60 см. Поялари қизғиш ёки қўнғир рангда. Барглари чўзиқ бўлиб, 1-2 см узунликда, эни 2-5 мм.

Тўпгули қалқонли рўваксимон. Тожбаргининг узунлиги 5-10 мм. Чангчилари тожбаргларидан узун. Меваси кўсакча, 5-7 мм узунликда.

Дағал дала чой Қоржантоғ ва Угом тизмасининг ёнбағирлари, Оркутсой, Чимёнсой, Харамзодасой, Керагилисой каби сойларнинг атрофларида кенг тарқалган.

Сариқ андиз. *Оила:* қоқиўтдошлар. *Гуллаш даври*: май-июнь. *Ҳосил бериш даври*: июнь-июль (5-расмга қаранг). Мураккабгулдошлар оиласига кирувчи кўп йиллик, йўғон илдизли ўсимлик бўлиб, бўйи 175 см га етади. Илдизпояси ва илдизи қўнғир рангли. Барглари йирик, четлари нотекис тишли, устки томони яшил, пастки томони кулранг, поя барглари чўзинчоқ ёки тухумсимон шаклда бўлади [2].

МУҲОКАМА

Гуллари ғовакларга тўпланган бўлиб, саватчалар ҳосил қилади. Сариқ андиз Чорвоқ зонасининг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги намлик юқори бўлган ерларида, тўқайларда, дарё водийларида, буталар орасида ўсади. Тоғ ёнбағирлари ва адирлардан тоғларнинг ўрта қисмигача ўсади.



1-расм. Сассиқ шувоқ, эрмон



2-расм. Бўймодарон



3-расм. Тешикчали дала чой



4-расм. Қирқбўғим



5-расм. Сариқ андиз



6-расм. Дастарбош



7-расм. Дағал дала чой



8-расм. Бўзноч

Изоҳ: барча расмлар тадқиқот пайтида муаллиф томонидан расмга олинган.

Бўзноч. *Оила:* қоқиўтдошлар. Бўйи 35-70 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлигидир (8-расмга қаранг). Барглари қалами-наштарсимон, оқ намат тукли. Тўпгули бошчасимон, диаметри 8-10 мм бўлиб, саватчаларининг ёпирма барглари оч сариқ рангда. Барглари поясига тарқалган, навбатма-навбат жойлашган, Меваси кичкина попукли чўзинчоқ уруғ. Июнь-июлда гуллайди, мевалари июль-августда етилади.

Бўзноч доривор ўсимлиги Чорвоқ зонасидаги Қоржантоғ, Угом ва Писком тоғларининг қуйи ва ўрта қисмидаги ёнбағирларида ўсади.

Юқорида номи келтирилган доривор ўсимликлардан беморларга қўлланилганда кўпроқ маҳаллий самарали таъсир кўрсатиши туфайли, улар инсон учун мутлақо безарардир. Бу сингари, доривор ўсимликларга ва улардан олинадиган фито препаратларга бўлган талаб ва эҳтиёж нафақат Чорвоқ зонасида яшайдиган маҳаллий аҳолига, балки бутун дунё аҳолиси учун самарали ўсимликлардан ҳисобланади.

ХУЛОСА

Чорвоқ эркин туристик зонасида тарқалган доривор ўсимликлари Қоржантоғ, Писком, Угом, Кўксув ва Чотқол тоғ тизмаларининг ёнбағирлари бўйлаб тарқалишида зонанинг геологик тузилиши, рельефи, иқлимнинг ўзига хослиги муҳим ҳисобланади.

REFERENCES

1. Shomurodova Shahnoza Gayratovna Chimyon-Chorvoq dam olish zonasi bilan qoplangan Tyanshan tog'laridagi tabiiy ko'llar // Evropa ilmiy sharhi. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (data obrazcheniya: 18.01.2021).
2. Shernaev, A. O. (2020). GEOGRAFIYA DARSLARINI O'QITISHDA ATLAS VA XARITALAR BILAN ISHLASH TEXNOLOGIYALARI. Academic research in educational sciences, (4), 657-662.
3. Ражабов, Ф. Лобар Джураева, & Асрор Махмадалиев (2020). УЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХУЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. *Academic research in educational sciences,(3),* 674-686.
4. Jurayeva, L. V., & Yeshinbetova, G. A. (2020). NOZOOGEOGRAFIK VAZIYATNI YAXSHILASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI O'RGANISH PRINSIPLARI. Academic research in educational sciences, (4), 630-638.
5. Джумабаева, С. К. (2020). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
6. Oybek Uralovich Abdimurotov (2020). TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARINI MUSTAQIL O'RGANISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, (3), 1306-1312.
7. Sherzod Ibroimov, & Muhayyo Madaminova (2020). MAKTABLARDA GEOGRAFIYA FANINI O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH. Academic research in educational sciences, (1), 54-60. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00009
8. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
9. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. *Journal of Critical Reviews*, 7 (3), 475-481. doi:10.31838/jcr.07.03.87

10. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Гулчехра Курдашевна Юсупова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 370-378.
11. Shernayev Akbar (2020/1/30) Abstracts of V International Scientific and Practical Conference Osaka, Japan 29-31 January 2020,189-193.
12. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Махмуджон Жалолитдинович Болтаев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ-ВОДИЙЛАРИНИНГ ЭКОТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Academic research in educational sciences, (1), 21-26. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00004
13. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.
14. Иброимов, Ш. Махмуд Болтаев, & Максуда Сатторова (2020). МАКТАБ УКУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Academic research in educational sciences,(3),* 146-151.
15. Rajabov Furkat Turakulovich, Sattarov Abdisamat Umirkulovich (2020) FARMS OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT, SPECIALIZATION, GEOGRAPHY. *Journal of Critical Reviews*, 7 (6), 1189-1196. doi:10.31838/jcr.07.06.214
16. Иброимов, Ш. И. У. Мансур Фарманович Бурибеков, & Максуда Анвар Кизи Сатторова (2020). ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОХДЯТИНИ ЕТКАЗИШ. *Academic research in educational sciences,(3)*, 275-279.
17. Radjabov, F. (2020). Describe the Individual Food Industry Contents and their Role in the Delivery of Agricultural Products. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 19(1), 292-294.
18. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов (2020). РЕКРЕАЦИЯ ВА ЭКОТУРИЗМ ЖИҲАТЛАРИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ) МИСОЛИДА. Academic research in educational sciences, (4), 486-491.
19. Turakulovich RF (2020). Dynamics and Regional Features of Agricultural Production. In the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24 (2), 1264-1269.
20. Sherzod Ibroim Ogli Ibroimov, & Abdurauf Abdurahim Ogli Yusubaxmedov (2020). O'ZBEKISTON HUDUDINI TIBBIY-GEOGRAFIK BAHOLASH USULLARI. Academic research in educational sciences, (4), 418-424.
21. Komilova, N. K., Haydarova, Ş. A., Xalmirzaev, A. A., Kurbanov, S. B., & Rajabov, F. T. (2019). Territorial Structure of Agriculture Development in Uzbekistan in Terms of Economical Geography. Journal of Advanced Research in Law and Economics, 10(8 (46)), 2364-2372.

22. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов (2020). ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ. Academic research in educational sciences, (4), 412-417.
23. Ibroimov, S. I. (2020). BUGUNGI KUNDA PEDAGOGIK TEXNALOGIYALARNING AHAMIYATI VA ULARNI TARIX DARSLARIDA QO'LLANILISHI. Academic research in educational sciences, (4), 59-63.
24. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.12.2020).
25. Abdimurotov, OU (2020). XALQARO PISA DASTURI UChUN KELAJAKLARGA GEOGRAFIYA O'QITUVCHILARINI TAYYORLAShNING MUHIMI. *Iqtisodiyot va sotsium* , (5-1), 3-8.
26. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Актути Араповна Туйчибекова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ (ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 456-471.
27. Sherzod Ibroim Oglu Ibroimov, & Xaytgul Omonboevna Begalieva (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА “ТАБИАТШУНОСЛИК” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 438-445.